

العدد في اللغة العربية

إعداد

عبد العزيز عثمان

АРАБ ТИЛИДАГИ САНОҚ СОНЛАР

www.arabic.uz

Мусанниф:

Абдулазиз Усмон

Тошкент:

2015-йил

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Бизларни йўқдан бор қилган ва бир биримизни тушуниш учун ақл ва тил берган Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин.

Ўзининг муборак сўзлари билан қалбларга малҳам бўлиб, башариятни зулматдан нурга чиқишига сабаб бўлган саййидимиз Муҳаммад алайҳиссалом ва у кишининг аҳли байт ва саҳобаи киромларига Аллоҳнинг салоту саломлари бўлсин.

Ҳаммамизга маълумки, муқаддас китобимиз бўлмиш Қуръони карим араб тилида нозил бўлган. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳадислари ҳам араб тилидадир. Бундан ташқари кўпгина диний китоблар ҳам араб тилида таълиф қилинган. Демак, араб тилини билиш инсон учун ўз динини яхши тушунишида асосий омил ҳисобланади.

Араб тили фани бир неча қисмлардан иборат бўлиб, унинг энг муҳим мавзулардан бири "Аҳкомул адад вал маъдуд" яъни, саноқ сон ва саналмишга тегишли қоидалардир.

Охирги пайтларда ўзбек тилига таржима қилиб таълиф этилган араб тили грамматикасига оид китоблар кўпайиб қолди. Албатта бу қувончли ҳолатдир. Агар шу китобларни варақлайдиган бўлсак уларнинг баъзисида биз юқорида зикр

қилиб ўтган мавзу ҳақида қисқача тўхталиб ўтилганини кўрамиз.

Лекин шу мавзунини тўлиқ ёритиб берадиган, толиби илмнинг шу мавзу асосида ичида туғилиб қоладиган саволларига жавобга ярайдиган мукаммал шаклда, яъни "аҳкомул ъадад вал маъдуд" мавзусини ёритиб берадиган бир китобни учратмадик.

Шуни инобатга олиб, кўпгина мулоҳаза ва фикрлашдан сўнг, ҳам толиби илм ва ҳам мударрисларга манфаат берадиган мўъжазгина бир китоб ёзишга киришдик.

Қўлингиздаги ушбу китоб худди бошқа китоблар каби текшириб, тузатишлар киритишга эҳтиёжи бор бўлган китоблардандир. Чунки Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилиб айтадики:

أَفَلَا يَتَدَبَّرُونَ الْقُرْآنَ وَلَوْ كَانَ مِنْ عِنْدِ غَيْرِ اللَّهِ لَوَجَدُوا فِيهِ اخْتِلَافًا كَثِيرًا

Маъноси: "Қуръонни тадаббур этиб кўрмайдиларми?! Агар у Аллоҳдан бошқанинг ҳузуридан бўлганида, ундан кўп ихтилофлар топар эдилар".

Ушбу оятдан маълум бўлдики, Қуръондан бошқа барча китобларда таълиф қилиш банда томонидан бўлгани учун камчилик ва нуқсон албатта бўлар экан.

Бу китобда ёзилган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлишлигини ва хосу омга манфаат олиб келишини Аллоҳдан сўраб қоламан.

Ва албатта китобхонлардан устозларим ва ота онам ҳақларига дуо қилиб қолишларини ражо этаман.

Абдулазиз Усмон

Санок сонларига тегишли қоидалар

Санок сонларига тегишли қоидаларни 10 бобга бўлиб ўрганамиз.

Эслатма:

Адад деганда "санок сонлар" назарда тутилади.

Маъдуд деганда "саналаётган нарса" назарда тутилади.

Муфрад исм деганда "бирлик исмлар" тушунилади

Жамъ исм деганда "кўплик" исмлар тушунилади.

Музаккар даганда "эркак жинс" тушунилади.

Муаннас деганда "аёл жинс" тушунилади.

Буни ёдингда тут!

Санок сонлари мубҳам (ноаниқ) исмлардан ҳисобланади. Чунки, бир киши: "Ўн бешта сотиб олдим", деса, сотиб олган 15 та нарсаси нима эканлиги номаълум бўлиб туради, мана шу номаълумликни кетказиш учун, маъдуд (саналаётган нарса)ни зикр қилинса, 15 рақамидаги ноаниқлик кетади. Шунинг учун санок сонларнинг маъдудига «тамйиз», дейилади.

Тамйиз, бу жумладаги ёки калимадаги ноаниқликни кетказувчи ва уни равшан қилиб берувчи исмдир.

БИРИНЧИ БОБ

"Бир" ва "икки" сонларига тегишли қоидалар.

Бир ва икки сонларининг кўринишлари:

وَاحِدٌ، وَاحِدَةٌ، أَحَدٌ، إِحْدَى، اثْنَانِ، اثْنَتَانِ، ثَلَاثَانِ.

- **Қоида:**

Бир ва икки санок сонларининг маъдуди (саналаётган нарсаси), санок сонидан олдин келади ва санок сонлари жинс билан эъробда маъдудга эргашади..

Яъни маъдуд (саналаётган нарса) музаккар бўлса бу сонлар ҳам музаккар кўринишда бўлади. Агар маъдуд муаннас бўлса, бу сонлар ҳам муаннас кўринишда бўлади. Худди шунингдек, бир ва икки сонлари эъробда, яъни рафъ, насб ва жар ўқилишида саналаётган нарсанинг эъробига эргашиб ҳаракатланади.

Таркибда маъдудга "мавсуф", бир ва икки сонларига эса "сифат", дейилади.

Мисол:

جَاءَتْ امْرَأَةٌ وَاحِدَةٌ

جَاءَ رَجُلٌ وَاحِدٌ

جَاءَتْ امْرَأَتَانِ اثْنَتَانِ

جَاءَ رَجُلَانِ اثْنَانِ

Юқоридаги мисолларга эътибор берадиган бўлсак, барчасида саналаётган шахс яъни «رجال» ва «امرأة» лафзлари санок сонидан олдин зикр қилинди.

Бундан ташқари «وَاحِدٌ» ва «وَاحِدَةٌ» лафзларига эътибор берадиган бўлсак иккаласи ҳам рафъ ўқилди, чунки саналаётган лафзлар рафъ ҳолатида тургани учун сонлари ҳам рафъ ўқилди. Чунки, сифат мавсуфнинг эъробига эргашиб ҳаракатланади. Ва яна худди шунингдек, бу санок сонлари маъдуднинг лафзига жинсда эргашди.

Иккинчи қатордаги мисолда ҳам худди шу ҳолатларни кузатиш мумкин.

Эслатма: Фақатгина бир ва икки санок сонларида маъдуд (саналаётган нарса), санок сонидан олдин келади. Қолганларида биринчи санок сон келади.

• **Қоида:**

Бир ва икки санок сонларининг маъдуди жумладаги ўрнига қараб эъробланади.

Яъни, фоил бўлса рафъ, мафъул бўлса насб, олдидан ҳарфи жар келса жар ўқилади.

Мисол:

جَاءَ رَجُلٌ وَاحِدٌ، جَاءَ رَجُلَانِ اثْنَانِ.

رَأَيْتُ رَجُلًا وَاحِدًا، رَأَيْتُ رَجُلَيْنِ اثْنَيْنِ.

سَلِّمْتُ عَلَى رَجُلٍ وَاحِدٍ، سَلِّمْتُ عَلَى رَجُلَيْنِ اثْنَيْنِ.

Буни ёдингда тут!

Маъдуд (саналаётган нарса) битта ёки иккита бўлса, уларни саноқ сонларини зикр қилмасдан туриб ҳам, нечталигини ифодалаш мумкин.

Мисол:

جاءَ رَجُلَانِ	جاءَ رَجُلٌ
جاءتُ امْرَأَتَانِ	جاءتُ امْرَأَةٌ

ИККИНЧИ БОБ

Учдан ўнгача бўлган сонларга тегишли қоидалар.

- **Қоида.**

Учдан ўнгача бўлган саноқ сонларида сон биринчи келиб, маъдуд кейин келади. Сон маъдуднинг жинсига тескари бўлади. Ва маъдуд ҳар доим кўплик сийғасида келиб музофун илайҳликка кўра жар ўқилади.

Мисол:

جاءَ أَرْبَعَةٌ رِجَالٍ
جاءتُ أَرْبَعُ نِسْوَةٍ

Юқоридаги мисолда «أربعَةٌ» лафзи саноқ сон ҳисобланиб, маъдуд бўлган «رجالٍ» лафзининг жинсига тескари бўлиб келяпти. Ва бундан ташқари «رجالٍ» лафзи жамъ кўринишида бўлиб, музофун илайҳ бўлгани учун жар ўқияпти.

Иккинчи қатордаги мисолда ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин.

- **Қоида:**

Учдан ўнгача бўлган саноқ сонларининг эъроби жумладаги ўрнига қараб бўлади.

Яъни, фоил бўлса рафъ, мафъул бўлса насб, олдидан ҳарфи жар келса жар ўқилади.

Мисол:

كَتَبْتُ دَرَسَهَا **ثَلَاثَ** بَنَاتٍ.

مَدَحْتُ فِي الْفَضْلِ **عَشْرَةَ** رِجَالٍ.

سَلَّمْتُ عَلَى **خَمْسَةِ** أَشْخَاصٍ.

- **Қоида:**

Учдан ўнгача бўлган саноқ сонларини музаккар ёки муаннас қилиб ишлатишда, маъдуднинг муфрадига қаралади, агар унинг муфради муаннас кўринишда бўлса, жамъ сийғаси гарчи музаккар кўринишда

бўлсада, унга муаннас ҳукми берилади ва санок сон музаккар кўринишда келтирилади.

Мисол:

خَمْسٌ رِقَابٍ.

Мисолдаги «رِقَابٍ» лафзи гарчи музаккар кўринишда бўлсада, унинг муфради бўлган «رَقَبَةٌ» лафзи муаннас ҳисобланади. Шунинг учун санок сони бўлган «خَمْسٌ» лафзи музаккар жинсда келтирдик.

Истисно сифатида келган баъзи қоидалар

- Қоида:

3 дан 10 гача бўлган санок сонларининг маъдуди (саналаётган нарса)ни биринчи зикр қилинса, маъдуд (саналаётган нарса)ни икки хил ўқиш мумкин.

1. Санок сонининг жинсига тескари қилиб ўқиш.

2. Санок сонини жинсига мувофиқ қилиб ўқиш.

Бу ҳолда маъдуд мавсуф, санок сон эса, сифат бўлади.

Мисол:

وَزَعَتْ عَلَيْنَا كُتُبٌ خَمْسَةٌ.

وَزَعَتْ عَلَيْنَا كُتُبٌ خَمْسٌ.

Лекин, бу икки жоиз ишдан биринчисини қўллаш аълороқ ҳисобланади. Чунки, Қуръонда мана шундай келган.

{وَكُنْتُمْ أَزْوَاجًا ثَلَاثَةً} [الواقعة : 7]

{فِي ظُلُمَاتٍ ثَلَاثٍ} [الزمر : 6]

- **Қоида:**

Агар маъдудни «**من**» ҳарфи билан жар қилинса, ададни муаннас шаклда ишлатиш жоиз ҳисобланади.

Мисол:

أَكَلْتُ سِتَّةً مِنَ التُّفَّاحَاتِ

جَاءَتْ خَمْسَةٌ مِنَ الطَّالِبَاتِ

Аслида 3 дан 10 гача бўлган санок сонлари маъдуднинг жинсига хилоф бўлиши керак. Лекин юқоридаги мисолда маъдуд бўлган «**التُّفَّاحَاتِ**» билан «**الطَّالِبَاتِ**» лафзлари «**من**» ҳарфи билан келгани учун, санок сонининг жинси билан мувофиқ бўлиб келди.

- **Қоида:**

3 дан 10 гача бўлган санок сонларнинг эъроби, ўша санок сонининг охиридаги ҳарфда зоҳир бўлади. Фақатгина «**ثَمَانِي**» лафзи бундай эмас. Чунки, бу лафз

"манқус" исмлардан ҳисобланади. Шунинг учун рафъ ва жар ҳолатида замма билан касра «ثَمَانِي» лафзининг охиридаги «ي» ҳарфига тақдирий қилинади. Насб ҳолатида эса фатҳа зоҳир бўлади.

Мисол:

النَّاجِحَاتُ ثَمَانِي بَنَاتٍ.

صَحَّحْتُ أَخْطَاءَ ثَمَانِي بَنَاتٍ.

زُرْتُ ثَمَانِي دَوْلٍ.

Юқоридаги мисолларнинг биринчисида «ثَمَانِي» лафзи тақдирий замма билан эъробланди. Чунки, жумлада у хабар бўлиб келяпти.

Иккинчи мисолда эса «ثَمَانِي» лафзи тақдирий касра билан эъробланяпти, чунки жумлада у музофун илайҳ бўлиб келяпти.

Учинчи мисолда эса «ثَمَانِي» лафзи мафъул бўлиб, зоҳирий ҳаракат билан насб бўляпти.

• **Қоида:**

Агар «ثَمَانِي» лафзининг маъдуди (саналаётган нарсаси) ҳазф қилинса, «ثَمَانِي» лафзидаги «ي»ни ҳазф қилиш вожиб бўлади. Шунда унинг эъробини рафъ ва жар ҳолатида

махзуф бўлган «ي» га тақдир қилинади, насб ҳолатида эса махзуф бўлган «ي» қайтиб келади ва насбнинг аломати бўлган фатҳани олади.

Мисол:

تَخْرَجُ مِنَ الطَّالِبَاتِ ثَمَانٍ.

سُلِّمَتْ جَوَائِزُ التَّفَوُّقِ إِلَى ثَمَانٍ.

أَكْرَمَ الْمَعْهَدُ مِنَ الْمُتَخَرِّجَاتِ ثَمَانِيًا.

Юқоридаги мисолларнинг биринчисида «ثَمَانٍ» лафзи фоил бўлиб, рафъ ўқияпти. Рафъ аломати махзуф бўлган «ي»га тақдир қилинади.

Иккинчи мисолда «ثَمَانٍ» лафзи олдидан ҳарфи жар келганлиги сабабли мажрур бўляпти. Жар аломати бўлган касра эса махзуф бўлган «ي» га тақдир қилинади.

Учинчи мисолда эса «ثَمَانِيًا» лафзи мафъулун биҳ бўлиб насб ўқияпти. Насблик аломати бўлган фатҳа эса «ي» нинг устида зоҳир бўлиб турибди.

Эслатма:

«ثَمَانِيًا» лафзини насб ҳолатида икки хил ўқиш мумкин.

Биринчиси: танвинли, **иккинчиси:** танвинсиз.

Лекин танвин билан ўқиш аълороқ ҳисобланади.

Агар танвинли ўқилса манқус исм, деган жиҳати эътиборга олинади. Агар танвинсиз ўқилса, ғойру мунсарифлик жиҳати эътиборга олинади. Чунки «ثَمَانِي» лафзи «جَوَارِي» лафзига ўхшагани учун уни ғойру мунсариф дейишган.

Мисол:

أَكْرَمَ الْمَعْهَدُ مِنَ الْمُتَخَرِّجَاتِ ثَمَانِيًا.

أَكْرَمَ الْمَعْهَدُ مِنَ الْمُتَخَرِّجَاتِ ثَمَانِيًا.

• **Қоида:**

Агар 3 дан 10 гача бўлган санок сонларини маърифа қилмоқчи бўлсангиз, унда маъдуд (саналаётган нарса)га «Алиф лом» киргизасиз.

Мисол:

بَنَيْنَا خَمْسَةَ الْمَصَانِعِ وَأَرْبَعَةَ الْمَدَارِسِ.

• **Қоида:**

«بِضْعَةٍ» ёки «بِضْعٍ» лафзи 3 дан оз бўлмаган ва 9 тадан ошмайдиган, сонлар оралиғидаги санок сонларига далолат қилади.

Бу лафзнинг маъдуди ҳам худди 3дан 10 гача бўлган санок сонларининг маъдуд каби, кўплик сийғасида келиб, изофаликка кўра жар ўкилади. Ва бу лафзлар маъдуднинг жинсига хилоф бўлади.

Яъни маъдуд музаккар бўлса, бу лафз муаннас кўринишда, маъдуд муаннас бўлса, бу лафз музаккар кўринишда бўлади.

Мисол:

جَاءَتْ بِضْعَةُ رَجَالٍ

جَاءَ بِضْعُ نِسَاءٍ

Юқоридаги мисолнинг биринчисида «بِضْعَةُ» лафзи маъдуд бўлган «رَجَالٍ» лафзининг жинсига тескари ўлароқ муаннас шаклида келди.

Иккинчи мисолда эса «بِضْعُ» лафзи маъдуд бўлган «نِسَاءٍ» лафзининг жинсига тескари ўлароқ муаннас шаклида келди.

• **Қоида:**

3 дан 10 гача бўлган санок сонларининг маъдудидан кейин сифат келса, уни икки хил ўқиш мумкин:

1. Маъдуднинг сифати қилиб жар ўқиш.

2. Ададнинг сифати қилиб, ададнинг эъробига эргаштириб ҳаракатлантириш.

Мисол:

رَأَيْتُ خَمْسَةَ بُيُوتٍ قَصِيرَةٍ أَوْ رَأَيْتُ خَمْسَةَ بُيُوتٍ قَصِيرَةٍ

Юқоридаги мисолнинг биринчисида «*قَصِيرَةٍ*» лафзи, маъдуд (саналаётган нарса) бўлган «*بُيُوتٍ*» лафзига эргаштириб жар ўқилди.

Иккинчи мисолда эса «*قَصِيرَةٍ*» лафзи, адад бўлган «*خَمْسَةَ*» лафзига эргаштириб насб ўқилди.

{إِنِّي أَرَى سَبْعَ بَقَرَاتٍ سِمَانٍ} [يوسف : 43]

{الَّذِي خَلَقَ سَبْعَ سَمَاوَاتٍ طِبَاقًا} [المالك : 3]

- **Қоида:**

3 дан 10 гача бўлган санок сонларининг маъдуди кўпинча «жамъул қилла» вазнида келади.

Лекин биров: «*سِتَّةُ أَشْهُرٍ*» деб жамъул қиллани ишлатиш ўрнига, «жамул касра» ни ишлатиб «*سِتَّةُ شُهُورٍ*», деб қўйса хато ҳисобланадими? дейилса, бунга жавоб бериб: «Йўқ хато ҳисобланмайди. Лекин одатий услубга хилоф қилган бўлади», дейилади.

Хато ҳисобланмаслигига сабаб, араблар иккала услубни ишлатишган. Бундан ташқари Қуръонда айнан мана шу санок сонининг маъдуди «**Жамъул касра**» сийғасида ишлатилган. Аллоҳ Бақара сурасининг 228-ояттида марҳамат қилиб айтади:

{وَالْمُطَلَّاتُ يَتَرَبَّصْنَ بِأَنْفُسِهِنَّ ثَلَاثَةَ قُرُوءٍ}

Агар оятга эътибор берадиган бўлсак, маъдуд (саналаётган нарса) ҳисобланган «**قُرُوءٍ**» лафзи **жамъул касра** ҳисобланади, ваҳоланки бу лафзнинг «**أَفْرَاءٍ**» деган **жамъул қилла** сийғаси ҳам бор.

• **Қоида:**

Аксар наҳв олимлари 3 дан 10 гача бўлган санок сонларининг маъдудни жамъу музаккари солим, жамъу муаннаси солим, исми фоил, исми мафъул ва сифати мушаббаҳа сийғаларида ишлатиб, санок сонларини уларга изофа қилишни қабих, деб биладилар. Шунинг учун улар қуйидаги жумлаларни чиройли жумла, деб ҳисобламайдилар:

وَصَلَ ثَلَاثَةٌ مُسَافِرِينَ، وَصَلَ ثَلَاثُ مُسَافِرَاتٍ

Улар юқоридаги мана шу мисолларни энг тўғри кўринишини қуйидаги иккита ҳолатнинг бири билан ифодалаш мумкин, дейдилар:

وَصَلَ ثَلَاثَةٌ مُسَافِرُونَ، وَصَلَ ثَلَاثٌ مُسَافِرَاتٌ

وَصَلَ ثَلَاثَةٌ رِجَالٍ مُسَافِرِينَ، وَصَلَ ثَلَاثٌ نِسَاءٍ مُسَافِرَاتٍ

Биринчи қатордаги мисолларда «مُسَافِرُونَ» ва «مُسَافِرَاتٌ» лафзини ўзидан олдинги саноқ сонга сифат қилишди.

Иккинчи қатордаги мисолда «مُسَافِرِينَ» лафзини «رِجَالٍ» лафзига, «مُسَافِرَاتٍ» лафзини «نِسَاءٍ» лафзига сифат қилишди.

Лекин «Қоҳира Араб тили академияси» ўз қарорларида: «Здан 10 гача бўлган саноқ сонларини маъдудни жамъу музаккари солим, жамъу муаннаси солим, исми фоил, исми мафъул ёки сифати мушаббаҳа қилиб келтиришда ҳеч қанақа хунуклик йўқ. Маъдудни мана шу сийғалар кўринишда келтирса бўлади», дейишган.

Иккала истеъмол ҳам дуруст эканлигини ҳар бир китобхон билиб қўйиши учун мазкур ихтилофни зикр қилиб ўтдик.

УЧИНЧИ БОБ

11 дан 19 гача бўлган саноқ сонларига тегишли
қоидалар

Буни ёдингда тут!

*11дан 19 гача бўлган саноқ сонларига **мураккаб саноқ сонлари**, дейилади. Яъни, бу турдаги саноқ сонлари иккита сўздан бирикиб ёзилади. Ва мураккаб саноқ сонларининг биринчи қисмига **"содр"**, иккинчи қисмига **"ажуз"**, дейилади.*

Мисол:

أَحَدَ عَشَرَ، تِسْعَةَ عَشَرَ،

• **Қоида.**

Ўн бир ва ўн икки саноқ сони саналаётган нарсанинг жинсига тўлалигича эргашади.

Яъни ўн бир ва ўн икки лафзлари иккита сўздан тузилади ва мана шу иккла сўз ҳам саналаётган нарсанинг жинсига эргашади. Маъдуд музаккар бўлса, булар ҳам музаккар бўлади. Агар маъдуд муаннас бўлса, булар ҳам муаннас бўлади.

Мисол:

جَاءَ اثْنَا عَشَرَ طَالِبًا

جَاءَ أَحَدَ عَشَرَ طَالِبًا

جَاءَتْ اثْنَتَا عَشْرَةَ طَالِبَةً

جَاءَتْ إِحْدَى عَشْرَةَ طَالِبَةً

Юқоридаги мисолларнинг биринчи қатордаги «أَحَدَ عَشَرَ» ва «أَنَا عَشَرَ» бўлган санок сонлари, маъдуд бўлган «طَالِيًا» лафзига мувофиқ ўларок иккала қисми ҳам музаккар жинсда келяпти.

Иккинчи қатордаги «إِحْدَى عَشْرَةَ» ва «أَنْتَنَا عَشْرَةَ» бўлган санок сонлари, маъдуд бўлган «طَالِبَةً» лафзига мувофиқ ўларок муаннас жинсда келяпти.

Эслатма:

Мураккаб санок сонлари орасида фақатгина ўн икки тўлиқ мабний эмас. Яъни, ўн иккиннинг биринчи қисми мўъраб, иккинчи қисми мабний ҳисобланади.

Мисол:

جَاءَ **إِنَّا** عَشَرَ رَجُلًا.

رَأَيْتُ **إِنِّي** عَشَرَ رَجُلًا.

سَلَّمْتُ **عَلَى** **إِنِّي** عَشَرَ رَجُلًا.

«إِنَّا» лафзи иккилик исмга мулҳақ бўлгани учун, рафъ ҳолати «алиф» билан, насб ва жар ҳолати эса «ё» билан бўлади. Юқоридаги мисолларда айнан шу нарсани кузатиш мумкин. Чунки, биринчи мисолда «إِنَّا» лафзи фоил, иккинчи мисолда эса мафъулун бих ва учинчи мисолда мажрур

бўляпти. Шунинг учун иккинчи ва учинчи мисолларда «أثنِي»
лафзи «ي» ҳарфи билан насб ва жар ўқияпти.

- **Умумий қоида**

11дан 19 гача бўлган санок сонларининг маъдуди
ҳар доим санок сонлардан кейин келиб, муфрад ҳолатда
бўлади ва тамйизликка кўра насб ўқилади.

Мисол:

أَرْبَعَةَ عَشَرَ رَجُلًا

Юқоридаги мисолга «رَجُلًا» лафзи маъдуд ҳисобланади ва
у муфрад ҳолатда бўлиб, тамйизликка кўра насб ўқилди.

- **Умумий қоида**

11дан 19 гача бўлган санок сонларнинг иккала
бўлаги ҳам фатҳага мабний бўлади. (*Фақатгина ўн икки
бундан мустасно. Чунки, ўн иккиннинг биринчи бўлаги
мўъраб, иккинчи бўлаги мабний ҳисобланади*)

Мисол:

جاءَ خَمْسَةَ عَشَرَ رَجُلًا،

رَأَيْتُ خَمْسَةَ عَشَرَ رَجُلًا،

سَلَّمْتُ عَلَى خَمْسَةَ عَشَرَ رَجُلًا.

Юқоридаги мисолларнинг биринчисида «خَمْسَةَ عَشَرَ» лафзи таркибда фоил, иккинчисида эса мафъулун бих, учинчисида эса мажрур ўрнида турибди, лекин замма, фатҳа ёки касра билан ҳаракатланмади.

- **Қоида.**

13 дан 19 гача бўлган санок сонлари маъдуднинг жинсига тўлиқ эргашмайди.

Яъни: Юқорида айтиб ўтганимиздек бу турдаги санок сонлар иккита сўздан бирикиб ясалади. Мана шу санок сонларидаги иккинчи қисми маъдуднинг жинсига эргашади, биринчиси эса эргашмайди.

Мисол:

قَرَأَ الْكِتَابَ الْيَوْمَ ثَلَاثَةَ عَشَرَ رَجُلًا

قَرَأَتْ الْكِتَابَ الْيَوْمَ ثَلَاثَ عَشْرَةَ امْرَأَةً

Юқоридаги мисолларнинг биринчисида «ثَلَاثَةَ عَشَرَ» лафзидаги «عَشَرَ» лафзи саналаётган «رَجُلًا» лафзига жинсда эргашди. «ثَلَاثَةَ» лафзи эса «رَجُلًا» лафзига эргашмасдан хилоф ҳолда келди.

Иккинчи мисолда «ثَلَاثَ عَشْرَةَ» лафзидаги «عَشْرَةَ» лафзи саналаётган «امْرَأَةً» лафзига жинсда эргашди. «ثَلَاثَ» лафзи эса «امْرَأَةً» лафзига эргашмасдан хилоф ҳолда келди.

- **Қоида:**

11 дан 19 гача бўлган санок сонларини маърифа шаклда зикр қилмоқчи бўлсак, «алиф лом» ни мураккаб санок сонларининг биринчи қисмига киргизамиз. Бу унинг мабнийлигига таъсир қила олмайди.

Мисол:

كَتَبْتُ الْوَاحِدَ عَشَرَ مَوْضُوعًا.

أَنْجَزْنَا الثَّلَاثَةَ عَشَرَ مَشْرُوعًا.

حُلَّتِ الْأَرْبَعُ عَشَرَ مَسْأَلَةً.

- **Қоида:**

Мураккаб ададларнинг биринчи қисмида сон ўрнига «بِضْعٍ» лафзи келади. Ва «بِضْعٍ» лафзи билан тузилган мураккаб сонга 13 дан 19 гача бўлган мураккаб санок сонининг қоидалари жорий қилинади.

Яъни маъдуд музаккар бўлса «بِضْعٍ» лафзи муаннас шаклда «بِضْعَةٌ», деб ёзилад. Агар маъдуд муаннас бўлса «بِضْعٍ» лафзи музаккар шаклда «بِضْعٍ», деб ёзилади. Мураккаб санок

сонинг иккинчи қисми бўлган сон эса маъдуднинг жинсига мувофиқ ёзилади. Ва булар фатҳага мабний бўлади. Маъдуд эса муфрад бўлиб, тамйизликка кўра насб ўқилади.

Мисол:

فِي جِييِ بَضْعَةَ عَشَرَ دِينَارًا.

دَرَسْنَا بَضْعَ عَشْرَةَ مَادَّةً.

صَحَّحْتُ أَخْطَاءَ بَضْعَةَ عَشَرَ طَالِبًا.

• **Қоида:**

11дан 19 гача бўлган мураккаб сонларнинг маъдудидан сўнг маъдуднинг сифати келса, сифатни икки хил ўқиш мумкин:

1. Маъдудни лафзига мувофиқ муфрад қилиб ўқиш.

2. Маъдуднинг маъносига мувофиқ жам қилиб ўқиш.

Мисол:

يُشْرَفُ عَلَى الْبِنَاءِ أَرْبَعَةَ عَشَرَ مُهَنْدِسًا خَيْرًا.

يُشْرَفُ عَلَى الْبِنَاءِ أَرْبَعَةَ عَشَرَ مُهَنْدِسًا خُبْرَاءَ.

Лекин маъдуднинг лафзига эргаштириб муфрад ҳолда ўқиш аълоқроқ ҳисобланади.

• **Қоида:**

11дан 19 гача бўлган мураккаб сонларнинг маъдуди ғойру оқил¹ бўлиб, иккита бўлса ва уларнинг бири музаккар, иккинчиси муаннас бўлса, биринчи келган маъдудга қараб ададнинг жинсига риоя қилинади.

Мисол:

في الحظيرة **خَمْسَةَ عَشَرَ عَجَلًا** وَبَقْرَةً،

في الحظيرة **خَمْسَ عَشْرَةَ بَقْرَةً** وَعَجَلًا.

Биринчи мисолда «**خَمْسَةَ عَشَرَ**» лафзи маъдуд бўлган «**عَجَلًا**» лафзининг жинсига хилоф бўлиб келяпти.

Иккинчи мисолда «**خَمْسَ عَشْرَةَ**» лафзи маъдуд бўлган «**بَقْرَةً**» лафзининг жинсига хилоф бўлиб келяпти.

Лекин маъдудлар **оқил**² бўлса, унда биринчи келган маъдуд музаккар бўладими, ёки муаннас бўладими фарқи йўқ, музаккар маъдудни ғолиб қилинади ва шунга қараб ададнинг жинсига риоя қилинади.

Мисол:

يَبْلُغُ عَدَدُ مُدْرَسِي الْمَدْرَسَةِ **ثَمَانِيَةَ عَشَرَ أَسْتَاذًا** وَأَسْتَاذَةً

يَبْلُغُ عَدَدُ مُدْرَسِي الْمَدْرَسَةِ **ثَمَانِيَةَ عَشَرَ أَسْتَاذَةً** وَ أَسْتَاذًا

¹ Insondan boshqa bo'lgan barcha yaratilgan narsalarga **g'oyru oqil** deyiladi.

² Insonlarning barchasiga **oqil** deyiladi

Биринчи мисолда «ثَمَانِيَةَ عَشَرَ» лафзи биринчи бўлиб келган «أَسْتَاذًا» лафзининг жинсига хилоф бўлиб келяпти.

Иккинчи мисолда «ثَمَانِيَةَ عَشَرَ» лафзи биринчи бўлиб, келган «أَسْتَاذَةً» лафзининг жинсига қараб эмас, иккинчи бўлиб келган «أَسْتَاذًا» лафзининг жинсига хилоф бўлиб келяпти. Чунки, маъдуднинг бири муаннас ва бири музаккар бўлса, музаккар маъдудни риояси қилинади.

ТҲРТИНЧИ БОБ

«Уқуд» деб номланган санок сонлар ҳақида.

Санок сонлари орасида «уқуд», деб номланган саккизта сон мавжуд, улар қуйидагилар:

10, 20, 30, 40, 50, 60, 70, 80, 90.

* Қоида:

Бу санок сонлар жумладаги ўрнига қараб эъробланади. Уқуд санок сонлари **жамъи музаккари солимга мулҳақ** бўлгани учун, унинг эъроби билан эъробланади. Яъни, рафъ ҳолати «вов» билан, насбу жар ҳолати эса «ё» билан бўлади.

Мисол:

(Рафъ) جَاءَ عِشْرُونَ طَالِبًا

(Насб) رَأَيْتُ عِشْرِينَ طَالِبًا

(Жар) سَلَّمْتُ عَلَى عِشْرِينَ طَالِبًا

• Қоида:

Саналаётган нарса, ҳар доим уқуд санок сонларидан кейин келади ва **муфрад** ҳолда бўлиб, тамйизликка кўра **насб** ўқилади.

Мисол:

حَضَرَ فِي الدَّرْسِ أَرْبَعُونَ طَالِبًا

Юқоридаги мисолда «**طَالِبًا**» лафзи маъдуд бўлиб келяпти.

Ва «уқуд» сонидан кейин келиб, муфрад ва насб ҳолда ишлатилияпти.

• Қоида:

Маъдуд хоҳ музаккар хоҳ муаннас бўлсин, уқуд санок сонлари ҳар доим бир хил кўринишда бўлади. Яъни: музаккар кўринишда.

Мисол:

أَكَلَ الطَّعَامَ ثَلَاثُونَ رَجُلًا.

أَكَلْتُ الطَّعَامَ ثَلَاثُونَ امْرَأَةً.

Юқоридаги мисолларнинг биринчисида «رَجُلًا» лафзи музаккар, иккинчи мисолда эса «امْرَأَةً» лафзи муаннас бўлиб келяпти, лекин иккала мисолда ҳам уқуд саноқ сони бўлган «ثَلَاثُونَ» лафзи бир хил музаккар кўринишда турибди.

- **Қоида:**

«Уқуд» саноқ сонларини маърифа қилмоқчи бўлсак, уларга «алиф лом» киргизамиз.

Мисол:

اجْتَهَدَ فِي الدَّرْسِ العِشْرُونَ طَالِبًا.

بَعَثْتُ امْسَ الثَّلَاثِينَ قَمِيصًا.

سَلَّمْتُ فِي يَوْمِ الْجُمُعَةِ عَلَى السَّبْعِينَ شَيْخًا.

Юқоридаги мисолларда уқуд сонлари бўлган «العِشْرُونَ», «الثَّلَاثِينَ» ва «السَّبْعِينَ» лафзларига «алиф лом» кирди.

- **Қоида:**

Агар «Уқуд» сонларидан тартиб рақамларини тузмоқчи бўлсак, унинг асл кўринишига ҳеч қандай ўзгартириш киритмаймиз. Фақатгина «уқуд» сонларини сифат қилиб ундан олдин мавсуфни зикр қиламиз.

Мисол:

أُنشئنا المدرسةَ الثلاثينَ في منطقتنا

Минтақамизда **ўттизинчи** мактабни барпо қилдик.

صَدَرَ الْعَدْدُ الْخَمْسُونَ مِنْ مَجَلَّةِ "الْهِدَايَةِ"

Ҳидоят журналининг **эллигинчи** сони нашр қилинди

نُشِرَ بَحْثِي فِي الْعَدَدِ السَّبْعِينَ مِنْ مَجَلَّةِ "الْهِدَايَةِ"

Илмий ишим Ҳидоят журналининг **етмишинчи** сонидан
чоп этилди.

Эслатма:

Баъзилар «уқуд» сонларини муфрад лафзларига сифат қилиб келтиришни нотўғри деб билишади. Улар бу фикрларига: «Уқуд санок сонлари кўпликни ифодалайди. Қандай қилиб кўпликни ифода қилувчи лафзни бирлик исмга сифат қилиш мумкин», деб далил келтиришади.

Аслида эса «уқуд» сонларини муфрад лафзларига сифат қилиб келтириш дуруст ҳисобланади. Чунки, бизнинг қуйидаги: {صَدَرَ الْعَدْدُ الْخَمْسُونَ مِنْ مَجَلَّةِ "الْهِدَايَةِ"} деган жумламизнинг тақдирида: {صَدَرَ الْعَدْدُ **تَمَام** الْخَمْسِينَ مِنْ مَجَلَّةِ "الْهِدَايَةِ"} яъни «**тaмaм**», деган сўз бор. Худди шунингдек «البَابُ الْخَمْسُونَ» деган иборанинг тақдирида «البَابُ **الْمَتَمِّم** لِلْخَمْسِينَ» деган сўз бор.

- **Қоида:**

«Уқуд» сонларининг маъдуди сифатланиб келса, сифатини икки хил ўқиш мумкин.

1. Маъдуднинг **лафзига** эргаштириб **муфрад**.

2. Маъдуднинг **маъносига** эргаштириб **жам**.

Мисол:

وَزَعَتْ الْجَوَائِزُ عَلَى سَبْعِينَ فَائِزًا مُتَفَوِّقًا

وَزَعَتْ الْجَوَائِزُ عَلَى سَبْعِينَ فَائِزًا مُتَفَوِّقِينَ

جَاءَ إِلَى مَدْرَسَتِنَا سِتَّةٌ وَ ثَمْنُونَ أَسْتَاذًا مَاهِرًا

جَاءَ إِلَى مَدْرَسَتِنَا سِتَّةٌ وَ ثَمْنُونَ أَسْتَاذًا مَهْرَةً.

Юқоридаги мисолларнинг биринчисида «**مُتَفَوِّقًا**» лафзини маъдуд бўлган «**فَائِزًا**» калиманинг лафзига эргаштириб муфрад кўринишда келтирилди. Чунки «**فَائِزًا**» лафзи муфрад кўринишда турибди.

Иккинчи мисолда эса «**مُتَفَوِّقِينَ**» лафзини маъдуд бўлган «**فَائِزًا**» лафзининг маъносига эргаштириб жамъ кўринишда келтирилди. Чунки «**فَائِزًا**» лафзининг маъноси кўпликни ифода қилади.

Кейинги мисолларда ҳам шу нарсани кузатиш мумкин.

- **Қоида:**

«Уқуд» саноқ сонлари орқали (юбилей) нишонлаш ёки шунга ўхшаш маълум ёшни ифодаловчи сонларни айтмоқчи бўлсак, «уқуд» лафзларига «ё» нисбат ёки «ё» нисбат билан бирга «тойи марбута»ни қўшиб «уқуд» лафзларини ишлатишимиз мумкин. Бу ҳолда «уқуд» лафзлари аслий эъроб билан ҳаракатланади.

Мисол:

احتفل الأعضاء العيد العشري لتأسيس الشركة

Ишчилар фирманинг йигирма йиллигини нишонлашди.

احتفلنا بالذكرى الخمسينية لتأسيس معهدنا.

Институтимизнинг эллик йиллигини хотиралаб байрам уюштирдик.

- **Қоида:**

Ҳозирги пайтдаги китобларда қуйидаги «уқуд» сонларини учратиш мумкин:

العشريّات، الثلاثينيّات، الأربعينيّات.....التسعينيّات

Бу сонларнинг ҳар бирини маънолари бор. Мисол учун «العِشْرِينِيَّات» деган уқуд сони, 20 дан 29 гача бўлган сонлар оралигидаги ададни ифодалайди.

Ҳозир буларнинг ҳар бирини маънолари билан зикр қилиб ўтамиз: - العِشْرِينِيَّات (20 дан 29 гача бўлган сонлар оралигидаги ададни ифодалайди)

(30 дан 39 гача бўлган сонлар оралигидаги - الثَّلَاثِيَّات
ададни ифодалайди)

(40 дан 49 гача бўлган сонлар оралигидаги - الأَرْبَعِيَّات
ададни ифодалайди)

(50 дан 59 гача бўлган сонлар оралигидаги - الحَمْسِيَّات
ададни ифодалайди)

(60 дан 69 гача бўлган сонлар оралигидаги - السِّتِّيَّات
ададни ифодалайди)

(70 дан 79 гача бўлган сонлар оралигидаги - السَّبْعِيَّات
ададни ифодалайди)

(80 дан 89 гача бўлган сонлар оралигидаги - الثَّمَانِيَّات
ададни ифодалайди)

(90 дан 99 гача бўлган сонлар оралигидаги - التِّسْعِيَّات
ададни ифодалайди)

Мисол:

وَقَعَتِ الْحَرْبُ الْعَالَمِيَّةُ الثَّانِيَةُ فِي أَوَاخِرِ الثَّلَاثِيَّاتِ وَانْتَهَتْ فِي وَسْطِ الْأَرْبَعِيَّاتِ،

شَهِدَتِ الْخَمْسِيَّاتُ أَحْدَاثًا كَبِيرَةً فِي الْوَطَنِ الْعَرَبِيِّ.

ارْتَفَعَتْ أَسْعَارُ النَّفْطِ فِي السَّبْعِيَّاتِ.

Эслатма:

Баъзилар «уқуд» сонларини: العِشْرِيَّاتِ، الثَّلَاثِيَّاتِ،

التِسْعِيَّاتِ.....الأَرْبَعِيَّاتِ деб «ёйи нисбат»ни қўшмасдан талаффуз қилади ёки ёзади. Бу кўринишда уқуд сонларини ёзиш хато ҳисобланади. Чунки «Қоҳира араб тили академияси» ўз қарорларида: «Уқуд» сонларини фақатгина «ё» си нисбат» ни киргизса жамъи муаннаси солим вазнида ишлатса бўлади. Агар «уқуд» сонларига "ё" си нисбатни киргизмасдан уни жамъи муаннаси солим вазнида ишлатса хато ҳисобланади, деган.

БЕШИНЧИ БОБ

11 дан 99 гача бўлган санок сонлар хақида

Аслида бу бобга тагишли қоидаларнинг аксарини учинчи бобда ўтган эдик. Лекин қуйида келадиган

қоидаларни алоҳида қилиб ўтишимизга сабаб, 11 дан 19 гача бўлган санок сонларида учрамайдиган, фақатгина шу бобдаги санок сонларига тегишли бўлган баъзи қоидаларни айтиб ўтишдир.

Буни ёдингда тут!

Санок сонлар уч кўринишда бўлади:

1. **Муфрад** (1дан 10 гача ва уқуд санок сонлари)
2. **Мураккаб** (11 дан 19 гача)
3. **Маътуф - маътуфун алайх** (21 дан)

Буни ёдингда тут!

Маътуф - маътуфун алайх кўринишидаги санок сонларнинг аввалги қисми "**бирликлар**" ва иккинчи қисми "**ўнликлар**"дан иборат. Аввалги қисмига "**маътуфун алайх**", иккинчи қисмига "**маътуф**", дейилади.

Мисол:

سَبْعَةٌ وَعِشْرُونَ طَالِبًا

Юқоридаги мисолда «سَبْعَةٌ» лафзига маътуфун алайх, «عِشْرُونَ» лафзига эса маътуф, дейилади.

• Қоида:

21 дан 99 гача бўлган сонлар, санок сонининг «маътуфун алайх - маътуф» кўринишидаги сонларидан

ҳисобланади. Ва бу санок сонларнинг орасидаги 21- 22, 31- 32, 41- 42, 51- 52, 61- 62, 71- 72, 81- 82, 91- 92 сонларидаги келган биринчи сонлар (яъни бирликлар), маъдуд нинг жинсига мувофиқ бўлади.

Мисол:

وَاحِدٌ وَ عَشْرُونَ طَالِبًا وَ عَشْرُونَ طَالِبَةً وَاحِدٌ وَ تِسْعُونَ طَالِبًا وَاحِدٌ وَ
تِسْعُونَ طَالِبَةً

اِثْنَانِ وَ عَشْرُونَ طَالِبًا اِثْنَانِ وَ تِسْعُونَ طَالِبًا اِثْنَانِ وَ
تِسْعُونَ طَالِبَةً

Юқоридаги мисолларга эътибор берадиган бўлсак «وَاحِدٌ» лафзи саналаётган «طَالِبًا» лафзининг жинсига мувофиқ келди.

Худди шунингдек «وَاحِدٌ» лафзи саналаётган «طَالِبَةً» лафзига мувофиқ келяпти.

«اِثْنَانِ» билан «اِثْنَانِ» лафзлари ҳам маъдуд бўлган «طَالِبًا» ва «طَالِبَةً» нинг жинсига мувофиқ бўлиб келяпти.

*** Қоида:**

21 дан 99 гача бўлган санок сонлари бирлик ва ўнликлардан бирикиб ясалади. Юқорида истисно қилинган санок сонларидан бошқа барчасида бирлик қисми маъдуднинг жинсига тескари бўлади. Ўнлик бўлган

иккинчи қисми эса «Уқуд» санок сонларидан бўлгани учун ҳар доим музаккар кўринишда бўлади. Маъдуд эса муфрад кўринишда келади ва тамйизликка кўра насб ўқилади.

Мисол:

خَمْسَةٌ وَعِشْرُونَ طَالِبًا خَمْسٌ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً

Юқоридаги мисолларга эътибор берадиган бўлсак «خَمْسَةٌ» лафзи саналаётган «طَالِبًا» лафзининг жинсига тескари бўляпти.

Худди шунингдек «خَمْسٌ» лафзи саналаётган «طَالِبَةً» лафзига тескари бўляпти.

• **Қоида:**

21 дан 99 гача бўлган санок сонларда, биринчи қисми бўлган бирлик санок сонлари жумладаги ўрнига қараб эъробланади, иккинчи қисми бўлган ўнликлар эса бирлик сонларга атф бўлиш орқали ҳаракатланади.

Мисол:

قَدِمَ إِلَى مَدِينَتِنَا خَمْسَةٌ وَثَلَاثُونَ سَيَّاحًا

دَرَسْتُ سَبْعًا وَأَرْبَعِينَ طَالِبَةً

سَلَّمْتُ عَلَى سِتَّةٍ وَخَمْسِينَ أَسْتَاذًا

Юқоридаги биринчи мисолда «**خَمْسَةٌ**» лафзи фоил бўлгани учун рафъ ўқилди. «**ثَلَاثُونَ**» лафзи эса «**خَمْسَةٌ**» лафзига атф қилиш орқали эъробланди.

Иккинчи мисолда эса «**سَبْعًا**» лафзи мафъулун бих бўлгани учун насб ўқилди, «**أَرْبَعِينَ**» лафзи эса унга атф қилинди.

Учинчи мисолда «**سِتَّةً**» лафзи олдидан ҳарфи жар келиб, мажрур ўқилди, «**خَمْسِينَ**» лафзи эса, унга эргашиб эъробланди.

Эслатма:

*21 дан 99 гача бўлган рақамлардан 28, 38, 48, 58, 68, 78, 88, 98 сонларидаги саккиз, яъни «**ثَمَانٍ**» лафзи музаккар кўринишда келганда рафъ ва жар ҳолатида замма ва касра ҳазф бўлган «**ي**» га тақдирий қилинади. Насб ҳолатида эса ҳазф бўлган «**ي**» ни қайтарилади. Ва насбнинг аломати бўлган фатҳа «**ي**» нинг устига зоҳир бўлади.*

Мисол:

طُولُ الْحَبْلِ ثَمَانٍ وَعِشْرُونَ يَارِدَةً

تَتَرَكَّبُ هَذِهِ الْآلَةُ مِنْ ثَمَانٍ وَ أَرْبَعِينَ قِطْعَةً

حَفِظْتُ ثَمَانِيًّا وَتَسْعِينَ قَصِيدَةً

Юқоридаги мисолларнинг биринчисида «**ثَمَانٍ**» лафзи жумлада хабар бўлиб, рафъ ўқияпти, рафълик аломати замма «**ثَمَانٍ**» лафздан маҳзуф бўлган «ي» га тақдирий қилинади.

Иккинчи мисолда «**ثَمَانٍ**» лафзи жумлада мажрур бўляпти. Жар аломати касра «**ثَمَانٍ**» лафздан маҳзуф бўлган «ي» га тақдирий қилинади.

Учинчи мисолда «**ثَمَانِيًّا**» лафзи жумлада мафъулун бих бўлиб насб ўқияпти, насблик аломати фатҳа «**ثَمَانِيًّا**» лафзида зоҳир бўлди.

• **Қоида:**

21 дан 99 гача бўлган санок сонларида 3дан 9 гача бўлган бирлик сонларни ўрнига «**بِضْعٌ**» лафзини ишлатиш мумкин. Бунда ҳам «**بِضْعٌ**» лафзи маъдуднинг жинсига хилоф бўлади. Жумладаги ўрнига қараб «**بِضْعٌ**» лафзининг эъроби ўзгаради, «уқуд» сонлари эса «**بِضْعٌ**» лафзига атф қилиш орқали эъробланади.

Мисол:

يَعْمَلُ فِي الْمُتَحَفِ بِضَعَةً وَثَلَاثُونَ رَجُلًا
 إِنَّ فِي سُورَةِ الْعَنْكَبُوتِ بِضْعًا وَسِتِّينَ آيَةً
 تَحْتَوِي الْمَكْتَبَةَ عَلَى بِضْعٍ وَ أَرْبَعِينَ مَخْطُوطَةً

Юқоридаги мисолларнинг биринчисида «**بِضَعَةً**» лафзи, маъдуд бўлган «**رَجُلًا**» лафзининг жинсига хилоф бўлиб келди.

Иккинчи мисолда «**بِضْعًا**» лафзи, маъдуд бўлган «**آيَةً**» лафзининг жинсига хилоф бўлиб келди.

Учинчи мисолда «**بِضْعٍ**» лафзи, маъдуд бўлган «**مَخْطُوطَةً**» лафзининг жинсига хилоф бўлиб келди.

- **Қоида:**

21 дан 99 гача бўлган саноқ сонларини маърифат қилмоқчи бўлсак, саноқ соннинг иккала қисмига ҳам «Алиф лом» киргизамиз.

Мисол:

سَافَرَ الْيَوْمَ الْأَرْبَعَةَ وَالْتِسْعُونَ حَاجًّا.
 بَلَغَ أَحِي الْحَامِسَ وَالْعِشْرِينَ سَنَةً مِنْ عُمْرِهِ.
 شَدَّ بْتُ أَغْصَانِ السَّبْعِ وَالسِّتِينَ شَجْرَةً.

Юқоридаги мисолларда «الْأَرْبَعَةُ وَالْتِسْعُونَ», «الْحَامِسَ وَالْعِشْرِينَ» ва «السَّبْعَ وَالسِّتِينَ» саноқ сонларининг иккала қисмига ҳам маърифа қилиш учун «алиф лом» кирди.

• **Қоида:**

21 дан 99 гача бўлган саноқ сонларидан тартиб сони ирода қилинса, биринчи қисми бўлган birlikни «فَاعِلٌ» ёки «فَاعِلَةٌ» вазнида келтирамиз. Ундан олдин эса ададнинг мавсуфини зикр қиламиз, адад ўзининг мавсуфига барча нарсада эргашади.

Мисол:

عُقِدَ الْاجْتِمَاعُ الْخَامِسُ وَالْعِشْرُونَ لِمَجْلِسِ الْكُلِّيَّةِ.

غَرَسْتُ الشَّجَرَةَ السَّابِعَةَ وَالثَّلَاثِينَ فِي حَدِيقَتِنَا.

وَجَدْتُ خَطًّا نَحْوِيًّا فِي الصَّفْحَةِ التَّاسِعَةِ وَالْأَرْبَعِينَ.

Юқоридаги мисолларнинг биринчисида «الْحَامِسُ» лафзи «فَاعِلٌ» вазнида бўлиб, ўзидан олдин маъдуд бўлиб келган «الْاجْتِمَاعُ» лафзига сифат бўлиб келяпти.

Иккинчи мисолда «السَّابِعَةَ» лафзи «فَاعِلَةٌ» вазнида бўлиб, ўзидан олдин маъдуд бўлиб келган «الشَّجَرَةَ» лафзига сифат бўлиб келяпти.

Учинчи мисолда «التاسعة» лафзи «فَاعِلَةٌ» вазнида бўлиб, ўзидан олдин маъдуд бўлиб келган «الصَّفْحَةَ» лафзига сифат бўлиб келяпти.

ОЛТИНЧИ БОБ

Юз ва юзлик санок сонлари ҳақида.

Буни ёдингда тут!

100 санок сонини «مِائَةٌ» ва «مِئَةٌ» шакллари мавжуд.

Аксар наҳв олимлар 100 санок сонининг «مِائَةٌ» шакли ўрнига мана бу «مِئَةٌ» шаклини ишлатишни маъқул кўришади. Ва бу фикрларига асосли, кучли ҳужжат ва далилларни келтиришган. Хусусан бу тўғрисида «Қоҳира араб тили академияси» махсус қарорини эълон қилиб, юз санок сонини «مِئَةٌ» шаклида ёзишни уқтириб ўтган. Биз ҳам шу олимларни тавсиясига амал қилган ҳолда юз санок сонининг «مِئَةٌ» шаклида ёзишни ихтиёр қилдик.

*** Қоида:**

100 лафзи муаннас, лекин музаккар ва муаннасга ҳам ишлатилаверади. Юзлик санок сонларининг маъдуди

муфрад ва изофаликка кўра мажрур бўлиб келади.
Юзликлар эса жумладаги ўрнига қараб эъробланади.

Мисол:

عِنْدِي مِئَةٌ دِينَارٍ.

إِنَّ فِي الْمَعْرُضِ مِئَةَ صُورَةٍ.

اشْتَرَيْتُ قَلَمًا بِمِئَةِ دِرْهَمٍ.

Юқоридаги мисолларнинг биринчисида «مِئَةٌ» сони жумлада хабар бўлиб келгани учун рафъ ўқияпти.

«دِينَارٍ» лафзи эса маъдуд бўлиб, муфрад шаклда келди ва жумлада музофун илайҳ бўлгани учун жар ўқилди.

Иккинчи мисолда «مِئَةٌ» сони жумлада «إِنَّ» ҳарфининг исми бўлиб келгани учун насб ўқияпти.

«صُورَةٍ» лафзи эса маъдуд бўлиб, муфрад шаклда келди ва жумлада музофун илайҳ бўлгани учун жар ўқилди.

Учинчи мисолда «مِئَةٌ» сони жумлада мажрур бўлиб келгани учун жар ўқияпти.

«دِرْهَمٍ» лафзи эса маъдуд бўлиб, муфрад шаклда келди ва жумлада музофун илайҳ бўлгани учун жар ўқилди.

• **Қоида:**

«مئة» лафзини иккилик қилиб «مئتان» ёки «مئتين» қилиб, маъдудга изофа қилганимизда иккиликдаги «ن» ҳарфи ҳазф бўлади.

Мисол:

عَدَدُ الْمُجْتَهِدِينَ فِي الْفَصْلِ مِئْتَا رَجُلٍ.

نَسَخْتُ مِئْتَيْ صَفْحَةٍ مِنَ الْكِتَابِ.

شَدَّبْتُ أَغْصَانَ مِئْتَيْ شَجَرَةٍ.

Юқоридаги мисолларда келган «مئتا رَجُلٍ», «مِئْتَيْ صَفْحَةٍ» ва «مِئْتَيْ شَجَرَةٍ» лафзлари аслида «مئتان رَجُلٍ», «مِئْتَيْنِ صَفْحَةٍ» ва «مِئْتَيْنِ شَجَرَةٍ» бўлган. Талаффуз қилиш тилга осон бўлиши учун улардаги «ن» ҳарфлари ҳазф қилинган.

• **Қоида:**

«مئة» лафзи 3 дан 9 гача бўлган санок сонларига изофа қилиниб, 300, 400, 500, 600, 700, 800, 900 сонларини ифода қилади.

Мисол:

ثَلَاثُ مِئَةٍ، أَرْبَعُ مِئَةٍ، خَمْسُ مِئَةٍ، سِتُّ مِئَةٍ، سَبْعُ مِئَةٍ، ثَمَانِي مِئَةٍ، تِسْعُ مِئَةٍ.

Бу юзликларнинг биринчи қисми бўлган бирлик санок сонлари жумладаги ўрнига қараб эъробланади:

Мисол:

قَدِمَ ثَلَاثٌ مِئَةً حَاجٍّ مِنْ مَكَّةَ.

رَأَيْتُ أَرْبَعَ مِئَةٍ رَجُلٍ يَلْعَبُ كُرَّةَ الْقَدَمِ.

وَزَعَتِ الشَّهَادَاتُ عَلَى خَمْسٍ مِئَةٍ مُتَخَرِّجٍ.

Юқоридаги мисолларнинг биринчисида «ثَلَاثٌ» лафзи жумлада фоил бўлиб келгани учун рафъ ўқияпти.

Иккинчисида «أَرْبَعَ» лафзи жумлада мафъулун бих бўлгани учун насб ўқияпти.

Учинчи мисолда «خَمْسٍ» лафзи жумлада мажрур бўлиб келгани учун жар ўқияпти.

Эслатма:

Баъзилар юқоридаги юзлик сонларини изофа қилиш ўрнига қўшиб, қуйидаги: «ثَلَاثُمِئَةً، أَرْبَعُمِئَةً... تِسْعُمِئَةً» шаклда ёзишади. Бу ёзиш тақлидий ёзиш бўлиб, бирор қоидага суянилмаган. Бу услубда ёзиш наҳв грамматик қоидаларига зид бўлади. Чунки мураккаб исмларнинг уч тури бўлиб (мураккаб изофий, мураккаб иснодий, мураккаб мазжий), бу ёзув бирортасига тўғри келмайди. Шунинг учун «Қоҳира

араб тили академияси» юзликларни бу услубда ёзишни ўз қарорларида қоралаб чиққан.

• **Қоида:**

Юқорида «ثَمَانٍ» лафзи манқус исм эканлигини ва унда «ي» ҳарфи ҳазф бўлишини, фақатгина насб ҳолатида «ثَمَانِي»، деб «ي» ҳарфини ҳазф қилмасдан ёзиш кераклигини билиб олдик. Энди шунни билиш керакки, 800 санок сонисидаги «ثَمَانِي» лафзидан «ي» ҳарфи ҳазф бўлмайди. Ва 800 сони «ثَمَانِي مِئَةٌ» шаклида ёзилади.

«ثَمَانِي» лафзининг эъробига келадиган бўлсак, бу калима манқус исм бўлгани учун, рафъ ва жар ҳолатида замма ва касра «ي» га тақдирий қилинади, насб ҳолатида эса фатҳа зоҳир бўлади.

Мисол:

فِي الْمَرْعَةِ ثَمَانِي مِئَةَ نَخْلَةٍ،

أَقْلَامٌ ثَمَانِي مِئَةَ طَالِبٍ مُهَيَّئَةٌ لِلْكِتَابَةِ،

أَنْفَقْتُ ثَمَانِي مِئَةَ دِينَارٍ.

Юқоридаги мисолнинг биринчисида «ثَمَانِي» лафзи рафъ ўқияпти, рафълик аломати замма «ي» га тақдирий қилинади.

Иккинчи мисолда «ثَمَانِي» лафзи жар ўқияпти, жарлик аломати бўлган касра «ي» га тақдирий қилинади.

Учинчи мисолда «ثَمَانِي» лафзи насб ўқияпти, насблик аломати бўлган фатҳа «ي»нинг устида зоҳир бўляпти.

ЕТТИНЧИ БОБ

Минг ва минглик саноқ сонлари ҳақида

- **Қоида:**

Минг саноқ сони «أَلْفٌ» лафзи музаккар, лекин музаккар ва муаннас маъдудларга ҳам бир хил ишлатилади.

Минглик саноқ сонларининг **маъдуди, муфрад** ва изофаликка кўра **мажрур** бўлиб келади. Минглик саноқ сонларининг ўзи эса жумладаги ўрнига қараб эъробланади.

Мисол:

طُبِعَ فِي الْمَطْبَعَةِ أَلْفُ كِتَابٍ،

إِنَّ فِي الْحِزَانَةِ أَلْفَ صُورَةٍ،

أَصْلَحْتُ غِلَافَ أَلْفِ كِتَابٍ.

Юқоридаги мисолларнинг биринчисида «أَلْفُ» лафзи ноибни фоил бўлгани учун рафъ ўқияпти.

Иккинчи мисолда «أَلْفُ» ҳарфининг хабари бўлгани учун насб ўқияпти.

Учинчи мисолда «أَلْفُ» лафзи музофун илайҳ бўлгани учун жар ўқияпти. Унинг маъдудлари бўлган «كِتَابٍ», «صُورَةٍ» ва «كِتَابٍ» лафзлари эса муфрад ва изофаликка кўра мажрур бўлиб келяпти.

• **Қоида:**

«أَلْفُ» лафзини иккилик «أَلْفَانِ» ёки «أَلْفَيْنِ» қилиб, маъдудга изофа қилганимизда иккиликдаги «ن» ҳарфи ҳазф бўлади.

الْمُتَّحِنُونَ أَلْفًا طَالِبٍ.

رَأَيْتُ فِي الْمَلْعَبِ أَلْفَيْنِ لَاعِبٍ.

قُمْنَا بِتَدْرِيبِ أَلْفَيْنِ مُتَعَلِّمٍ عَلَى تَطْبِيقِ الْقَوَاعِدِ.

• **Қоида:**

« أَلْفٌ » лафзи 3 дан 10 гача бўлган саноқ сонларига изофа қилиниб, 3000, 4000, 5000, 6000, 7000, 8000, 9000, 1000 сонларини ифода қилади. Лекин « أَلْفٌ » лафзи ўзгариб « آَلَفٌ » лафзига айланади.

Мисол:

ثَلَاثَةُ آلَافٍ، أَرْبَعَةُ آلَافٍ، خَمْسَةُ آلَافٍ، سِتَّةُ آلَافٍ، سَبْعَةُ آلَافٍ، ثَمَانِيَةُ آلَافٍ، تِسْعَةُ آلَافٍ، عَشْرَةُ آلَافٍ.

Эслатма:

« آَلَفٌ » лафзи музаккар бўлгани учун унга музоф қилиб келтирилган бирлик саноқ сонлари муаннас шаклида келтирилади ва бирлик саноқ сонлар жумладаги ўрнига қараб эъробланади.

« آَلَفٌ » лафзининг маъдуди эса муфрад кўринишда бўлиб, изофаликка кўра жар ўқилади.

Мисол:

جَاءَ ثَلَاثَةُ آلَافٍ طَالِبٍ، جَاءَتْ ثَلَاثَةُ آلَافٍ طَالِبَةٍ،
رَأَيْتُ ثَلَاثَةَ آلَافٍ طَالِبٍ، رَأَيْتُ ثَلَاثَةَ آلَافٍ طَالِبَةٍ،
سَلَّمْتُ عَلَى ثَلَاثَةِ آلَافٍ طَالِبٍ، سَلَّمْتُ عَلَى ثَلَاثَةِ آلَافٍ طَالِبَةٍ.

• Қоида:

11000, 12000, 13000, 14000, 15000, 16000, 17000, 18000, 19000, сонларини ифодалаш учун «أَلْفٌ» санок сонини 11 дан 19 гача бўлган мураккаб сонларига маъдуд сифатида келтириб, «أَلْفٌ» лафзини насб ўқиймиз. «أَلْفٌ»нинг маъдуди эса муфрад ва жар ҳолатда бўлади.

Мисол:

أَحَدَ عَشَرَ أَلْفًا، اثْنَا عَشَرَ أَلْفًا، ثَلَاثَةَ عَشَرَ أَلْفًا، أَرْبَعَةَ عَشَرَ أَلْفًا، خَمْسَةَ عَشَرَ أَلْفًا، سِتَّةَ عَشَرَ أَلْفًا، سَبْعَةَ عَشَرَ أَلْفًا، ثَمَانِيَةَ عَشَرَ أَلْفًا، تِسْعَةَ عَشَرَ أَلْفًا.

فِي هَذَا الْكَيْسِ اثْنَا عَشَرَ أَلْفَ دِينَارٍ،

فِي هَذِهِ الْمَرْزَعَةِ أَحَدَ عَشَرَ أَلْفَ شَجَرَةٍ،

وَزَعَتِ الْأَرْبَاحُ عَلَى خَمْسَةَ عَشَرَ أَلْفَ مُسَاهِمٍ.

Эслатма:

«أَلْفٌ» лафзи 11 дан 19 гача бўлган мураккаб санок сонларига **маъдуд** ҳисобланади. «أَلْفٌ» лафзи музаккар бўлгани учун 11 дан 19 гача бўлган сонлардан 11 ва 12 сонининг иккала қисми ҳам «أَلْفٌ» лафзига мувофиқ ўлароқ музаккар лафзда келади, 13 дан 19 гача бўлган сонларда эса биринчи қисми муаннас, иккинчи қисми «أَلْفٌ» лафзига мувофиқ ўлароқ музаккар кўринишда келади.

• **Қоида:**

20000, 30000, 40000, 50000, 60000, 70000, 80000, 90000 сонларини ифодалаш учун, «أَلْفٌ» санок сонини «уқуд» сонларига маъдуд сифатида келтириб, «أَلْفٌ» лафзини насб ўқиймиз. «أَلْفٌ»нинг маъдуди эса муфрад ва жар ҳолатда бўлади. Уқуд сонлари эса жумладаги ўрнига қараб эъробланади.

Мисол:

سَاهَمَ عِشْرُونَ أَلْفَ خَادِمٍ فِي بِنَاءِ الْمَصْنَعِ،

أَنْفَقْتُ أَرْبَعِينَ أَلْفَ دِينَارٍ عَلَى الْفُقَرَاءِ،

شَاهَدْنَا كُرَّةَ الْقَدَمِ مَعَ ثَلَاثِينَ أَلْفَ مُشَجِّعٍ.

• **Қоида:**

21000, 22000, 23000, 24000, 25000, 26000, 27000, 28000, 29000 сонларини ифода қилиш учун «أَلْفٌ» лафзи 21 дан 29 гача бўлган санок сонларига маъдуд сифатида келтириб, «أَلْفٌ» лафзини насб ўқиймиз. «أَلْفٌ»нинг маъдуди эса муфрад ва жар ҳолатда бўлади.

Мисол:

قَدِمَ وَاحِدٌ وَعِشْرُونَ أَلْفَ سَيَّاحٍ إِلَى أَوْزْبِكِسْتَانَ،

رَأَيْتُ اثْنِينَ وَعِشْرِينَ أَلْفَ صَيَّادٍ،

قَرَأْنَا الْكِتَابَ عَلَى سِتَّةٍ وَعِشْرِينَ أَلْفَ أُسْتَاذٍ.

Эслатма:

«أَلْفٌ» лафзи 21 дан 29 гача бўлган санок сонларига **маъдуд** ҳисобланади. «أَلْفٌ» лафзи музаккар бўлгани учун 21 дан 29 гача бўлган сонлардан 21 ва 22 сонининг «وَاحِدٌ» ва «اِثْنَانٍ» бирлик сонлари «أَلْفٌ» лафзига мувофиқ ўлароқ музаккар лафзда келади, 23 дан 29 гача бўлган сонларда эса «ثَلَاثَةٌ», «أَرْبَعَةٌ», «خَمْسَةٌ», «سِتَّةٌ», «سَبْعَةٌ», «ثَمَانِيَةٌ» ва «تِسْعَةٌ» бирлик сонлари «أَلْفٌ» лафзига хилоф ўлароқ муаннас кўринишда келади.

• Қоида:

100000, 200000, 300000 ва ҳоказо санок сонларини ифодалаш учун «أَلْفٌ» санок сонини «مِئَةٌ», «مِئَتَانِ», «ثَلَاثُ مِئَةٍ» ва..... лафзларига изофа қилиб «أَلْفٌ» лафзини жар ўқиймиз. «أَلْفٌ» санок сонининг маъдудини ҳам изофаликка кўра жар ўқиймиз ва муфрад сийғада келтирамиз. «مِئَةٌ», «مِئَتَانِ», «ثَلَاثُ مِئَةٍ» лафзлари эса жумладаги ўрнига қараб эъробланади.

Мисол:

جَاءَ مِئَةُ أَلْفِ طَالِبٍ،
رَأَيْتُ ثَلَاثَ مِئَةِ أَلْفِ طَالِبَةٍ،
التَّقَيْنَا مَعَ خَمْسِ مِئَةِ أَلْفِ مُرَاسِلٍ.

САККИЗИНЧИ БОБ

Миллион ва миллиард сонлари ҳақида

Арабларда миллион ва миллиард сонларини ифодаловчи махсус лафз йўқ. Миллионни ифодалаш учун «أَلْفُ أَلْفٍ» деган лафзни ишлатишган. Лекин охириги йилларда бошқа тиллардан миллион ва миллиард лафзлари араб тилида «مِئُونَ» ва «مِليَار» деб ёзилиб, китобларда ишлатилипти.

- **Қоида:**

«مِئُونَ» ва «مِليَار» санок сони «أَلْفُ» сонинг барча ҳукмларини ўз ичига олади. Яъни: «أَلْفُ» лафзининг қоидалари қандай бўлса, «مِئُونَ» ва «مِليَار» лафзига тегишли қоидалар ҳам худди шундай бўлади.

Демак умумий қоида сифатида шуни айтиши мумкинки:

«مليون» ва «مليار» сонларининг маъдуди ҳар доим муфрад ва мажрур ҳолда бўлади.

«مليونان» ва «ملياران» лафзлари ўзининг маъдудига изофа қилинади ва «مليونان» ва «ملياران» лафзларидаги «ن» ҳарфи ҳазф бўлади.

«مليون» ва «مليار» 3 дан 10 гача бўлган санок сонларига изофа қилинганда, «مليون» ва «مليار» лафзлари «مليين» «مليارات» кўринишда бўлиб, изофаликка кўра жар ўқилади.

«مليون» ва «مليار» лафзлари 11 дан 19 гача бўлган мураккаб сонларига ва «уқуд» сонларига маъдуд бўлиб келади ва «مليون» ва «مليار» лафзлари муфрад ҳолатда бўлиб, тамйизликка кўра насб ўқилади.

«مليون» ва «مليار» сонлари «مئة» сонига изофа қилиниб, мажрур ҳолатда муфрад кўринишда келади.

Эслатма:

Юқорида айтиб ўтилган «مليون» ва «مليار» санок сонларининг барчасида «مليون» ва «مليار» сонининг маъдуди изофаликка кўра жар ўқилади.

Юқоридаги қоидаларга мисоллар:

رَأْسُ مَالِ الشَّرِيكَةِ مِائُونَ دِينَارٍ،
يَبْلُغُ عَدَدُ سُكَّانِ طَشْقَنْدِ مِائِيْنَ نَسَمَةٍ،
فِي إِخْدَى دَوْلِ أُورُوبَا خَمْسَةُ مِائِيْنَ عَاطِلٍ،
يَبِيعُ هَذَا الْمَصْنَعُ بِسِتَّةَ عَشَرَ مِائُونَ دِينَارٍ،
طَبَعَتْ وَزَارَةُ التَّعْلِيمِ حَتَّى الْآنَ سَبْعَةَ وَ عِشْرِينَ مِائُونَ كِتَابٍ مَدْرَسِيٍّ،
رَبِحَتْ شَرِيكَتُنَا فِي هَذِهِ السَّنَةِ سِتِّ مِئَةِ مِائُونَ دُولَارٍ.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Тартиб сонлари ҳақида.

Санок сонларини тартиб сони сифатида ишлатмоқчи бўлсак, ўзбек тилида **-инчи** қўшимчасини қўшиб, ясаймиз.

Мисол: Мен синфда илм борасида бир**инчи** ўринда тураман.

- **Қоида:**

«وَاحِدٌ» санок сонидан тартиб сонини ясамоқчи бўлсак, музаккарга «أَوَّلٌ», муаннасга эса «أُولَى» деймиз. Ва бу тартиб

сонининг маъдудини биринчи зикр қилиб, тартиб сонини маъдудга сифат қилиб келтирамиз.

Маъдуд жумладаги ўрнига қараб ҳаракатланади, тартиб сони эса маъдуднинг эъробига эргашиб ҳаракатланади. Чунки тартиб сони унинг сифати ҳисобланади.

Мисол:

حضر الطالبُ الأوَّلُ، حضرتِ الطالبةُ الأوَّلَى،

شاهدتُ البرنامجَ الأوَّلَ في القناةِ الأوَّلَى

سلمتُ على الطالبِ الأوَّلِ، سلمتُ على الطالبةِ الأوَّلَى.

Юқоридаги мисолларнинг биринчи қатордаги «الأوَّلُ» ва «الأوَّلَى» тартиб сонлари, маъдуд бўлган «الطَالِبُ» ва «الطَالِبَةُ» лафзларига эргашиб эъробланди. Чунки «الطَالِبُ» ва «الطَالِبَةُ» лафзлари фоил бўлгани учун «الأوَّلُ» ва «الأوَّلَى» лафзлари рафъ ўқилди.

Иккинчи қатордаги «الأوَّلُ» ва «الأوَّلَى» тартиб сонлари, маъдуд бўлган «البرنامج» ва «القناة» лафзларига эргашиб эъробланди. Чунки «البرنامج» лафзи мафъул бўлгани ва «القناة»

лафзи мажрур бўлгани учун «الأوّل» лафзи насб, «الأولى» лафзи жар ўқилди.

Учинчи қатордаги «الأوّل» ва «الأولى» тартиб сонлари, маъдуд бўлган «الطالب» ва «الطالبة» лафзларига эргашиб эъробланди. Чунки «الطالب» ва «الطالبة» лафзлари мажрур бўлгани учун «الأوّل» ва «الأولى» лафзлари жар ўқилди.

Эслатма:

«الأولى» лафзи алифи мақсура билан тугагани учун унинг рафъ, насб ва жар ҳолати тақдирий ҳаракатлар билан бўлади. Чунки алиф ҳарфи илат бўлгани учун бирорта ҳаракатни кўтара олмайди.

• **Қоида:**

2 дан 10 гача бўлган санок сонларини тартиб сон сифатида ишлатмоқчи бўлсак, уларни музаккарда «فَاعِلٌ», муаннасада эса «فَاعِلَةٌ» вазнида келтирамиз.

Мисол:

وَصَلَ الْمَتَسَابِقُ الثَّانِي بَعْدَ الظُّهْرِ،

لَمْ أَرَهُ مُنْذُ الْيَوْمِ الثَّامِنِ مِنَ الشَّهْرِ التَّاسِعِ

انْقَضَتْ اللَّيْلَةُ الْعَاشِرَةُ مِنَ الشَّهْرِ.

Юқоридаги мисолларнинг биринчисида «الثَّانِي» лафзи, иккинчи мисолда «الثَّامِن» ва «التَّاسِع» лафзлари, учинчи мисолда эса «العَاشِرَةُ» лафзи тартиб сонлари ҳисобланади. Ва улар маъдуддан кейин келиб, маъдуднинг эъробига эргашиб ҳаракатланди.

• **Қоида:**

Соат вақтларини айтмоқчи бўлсак уларни «السَّاعَةُ» лафзига мувофиқ «الْفَاعِلَةُ» вазнида келтирамиз. Ва ўша сонни «السَّاعَةُ» лафзига сифат қиламиз.

Мисол:

السَّاعَةُ الْخَامِسَةُ وَعَشْرَ دَقَائِقَ،
تَبَدُّاُ الْمُبَارَاةُ فِي السَّاعَةِ السَّابِعَةِ وَ النِّصْفِ صَبَاحًا،
إِنَّ السَّاعَةَ الْعَاشِرَةَ مَسَاءً هِيَ وَقْتُ نَوْمٍ.

Юқоридаги мисолларнинг биринчисида «الْخَامِسَةُ» лафзи, иккинчисида «السَّابِعَةُ» лафзи ва учинчисида «العَاشِرَةُ» лафзлари «السَّاعَةُ» лафзидан кейин келиб, унинг сифати бўлиб келди,

ва бу сонларнинг барчаси «السَّاعَةَ» лафзининг эъробига эргашиб ҳаракатланди.

• **Қоида:**

«عَامٌ» ва «سَنَةٌ» лафзларини тартиб сонлари билан ишлатганда **икки хил** ўқиш мумкин:

1. «عَامٌ» ва «سَنَةٌ» лафзларини тартиб сонларидан олдин зикр қилиб, уни зарфликка кўра насб ўқиймиз. Тартиб сони эса унга изофа қилинади ва музофун илайҳ бўлгани учун жар ўқилади.

2. «عَامٌ» ва «سَنَةٌ» лафзларини тартиб сонларидан олдин зикр қилиб, «عَامٌ» ва «سَنَةٌ» лафзларини мавсуф, тартиб сонларини эса сифат қилиб ўқиймиз.

Мисол:

وُلِدْتُ سَنَةَ أَلْفٍ وَ تِسْعِ مِئَةٍ وَ سَبْعِ تِسْعِينَ،

وُلِدْتُ فِي السَّنَةِ الْأَلْفِ وَ تِسْعِ مِئَةٍ وَ سَبْعِ تِسْعِينَ.

• **Қоида:**

11 дан 19 гача бўлган саноқ сонларини тартиб сонлари сифатида ишлатмоқчи бўлсак, биринчи қисмини «فَاعِلٌ» вазнида, иккинчи қисмини ўз ҳолича зикр қиламиз. Тартиб сонларида маъдуд биринчи

келади, тартиб сонлари эса маъдуддан кейин келиб, маъдудга сифат ҳисобланади.

11 дан 19 гача бўлган тартиб сонларининг иккала қисми ҳам фатҳага мабний бўлади.

*Эслатма: Саноқ сонларидан фарқли ўлароқ, тартиб сонларида марақаб сонларнинг иккала қисми ҳам маъдуднинг жинсига мувофиқ келади.*³

Мисол:

قرأتُ **البَابَ الحَادِي عَشَرَ** مِنَ **الموسوعة**،
 أكرمتُ **الطالب التاسع عشر** مِنَ **المتخرجين**،
 قرأتُ **الصفحة الحادية عشرة** مِنَ **الكتاب**،
 سلمتُ **على الطالبة التاسعة عشرة** مِنَ **المتخرجات**.

• **Қоида:**

«Уқуд» сонларидан тартиб сонини ясамоқчи бўлсак, «уқуд» лафзларига «алиф лом»ни киргизамиз, бунда ҳам маъдуд биринчи келади, уқуд сонлари эса маъдудга сифат бўлиб, унинг эърибига эргашиб ҳаракатланади.

Мисол:

الفصل **الثلاثون** مِنَ **الكتاب** مُترجم،
 قرأتُ **العدد الخمسين** مِنَ **مجلة الهداية**،

³ Sanoq sonlarida esa 11 va 12 sonlarining ikkala qismi muvofiq keladi. 13 dan 19 gacha bo'lgan sonlarda esa birinchi qismi ma'dudning jinsiga xilof bo'lib, ikkinchi qismi ma'dudning jinsiga muvofiq keladi.

اعْتَمَدَ الْمُحَامِي عَلَى الْمَادَّةِ الْأَرْبَعِينَ مِنَ الدَّسْتُورِ فِي تَبْرِئَةِ الْمُتَّهَمِ.

• **Қоида:**

21 дан 99 гача бўлган саноқ сонларидан тартиб сонлари ясамоқчи бўлсак, бирлик сонларни «فَاعِلٌ» ёки «فَاعِلَةٌ» вазнида, ўнликларни эса ўз ҳолича зикр қилиб, бирлик ва ўнлик саноқ сонларига алиф лом киргизамиз.

Бирлик сонлар маъдуднинг эъробига эргашиб ҳаракатланади, ўнликлар эса унга атф бўлади.

Мисол:

قَدِمَ الْحَاجُّ الْخَامِسُ وَالتَّسْعُونَ مِنْ مَكَّةَ،
رَأَيْتُ فِي الْحَقْلِ الشَّجَرَةَ السَّابِعَةَ وَالسِّتِينَ،
الْأَخْبَارُ الرِّيَاضِيَّةُ مَنشُورَةٌ فِي الصَّفْحَةِ الثَّالِثَةِ وَالْعِشْرِينَ مِنَ الصَّحِيفَةِ.

• **Қоида:**

Юз, минг ва миллион саноқ сонидан тартиб сонни ясамоқчи бўлсак, «مِئَةٌ», «أَلْفٌ» ва «مِائُونَ» лафзларига «алиф лом» киргизамиз ва бу тартиб сонларидан олдин уларнинг маъдудни зикр қилиб, «مِئَةٌ», «أَلْفٌ» ва «مِائُونَ» лафзларини маъдудга сифат қилиб, унинг эъробига эргаштириб ҳаракатлантирамиз.

Мисол:

حَضَرَتِ الطَّالِبَةُ الْمِئَةُ	حَضَرَ الطَّالِبُ الْمِئَةَ،
أَكْرَمْتُ الطَّالِبَةَ الْمِئَةَ	أَكْرَمْتُ الطَّالِبَ الْمِئَةَ،
سَلَّمْتُ عَلَى الطَّالِبَةِ الْمِئَةَ	سَلَّمْتُ عَلَى الطَّالِبِ الْمِئَةَ

Юқоридаги мисолларнинг барчасида «المِئَةُ» лафзи маъдуддан кейин келиб, маъдуднинг эъробига эргашаяпти.

حَضَرَ الطَّالِبُ الألفُ، حَضَرَتِ الطَّالِبَةُ الألفُ،
أَكْرَمْتُ الطَّالِبَ الألفُ، أَكْرَمْتُ الطَّالِبَةَ الألفُ،
سَلَّمْتُ عَلَى الطَّالِبِ الألفُ، سَلَّمْتُ عَلَى الطَّالِبَةِ الألفُ.

Юқоридаги мисолларнинг барчасида «الألف» лафзи
маъдуддан кейин келиб, маъдуднинг эъробига эргашаяпти.

حَضَرَ الطَّالِبُ المليونُ، حَضَرَتِ الطَّالِبَةُ المليونُ،
أَكْرَمْتُ الطَّالِبَ المليونُ، أَكْرَمْتُ الطَّالِبَةَ المليونُ،
سَلَّمْتُ عَلَى الطَّالِبِ المليونُ، سَلَّمْتُ عَلَى الطَّالِبَةِ المليونُ.

Юқоридаги мисолларнинг барчасида «المليون» лафзи
маъдуддан кейин келиб, маъдуднинг эъробига эргашаяпти.

Эслатма: Маъдуд хоҳ музаккар хоҳ муаннас бўлсин
«مئة»، «ألف» ва «مليون» лафзлари ўзгармасдан бир кўринишда
туради.

ЎНИНЧИ БОБ

САНОҚ СОНЛАРИНИНГ ЁЗИЛИШИ ҲАҚИДА

- **Қоида:**

Араб тилидаги саноқ сонларни икки хил ўқиш
мумкин.

Ўнғ томондан чапга қараб. (яъни кичик сонлардан бошлаб)

Чап томондан ўнғга қараб. (яъни катта сонлардан бошлаб)

Мисол учун 1996 сони.

سِتُّ وَتِسْعُونَ وَتِسْعُ مِئَةٍ وَأَلْفٌ

أَلْفٌ وَتِسْعُ مِئَةٍ وَسِتُّ وَتِسْعُونَ

Икки услуб ҳам тўғри ҳисобланади. Лекин истеъмолда кўп тарқалгани бу ўнғ томондан чапга қараб. (яъни кичик сонлардан бошлаб) ўқишдир.

Ҳадиси шарифда икки истеъмолни кўриниши келган:

عن عبد الله رضي الله عنه قال دخل النبي صلى الله عليه وسلم مكة يوم الفتح وحول البيت سِتُّونَ

وَثَلَاثُ مِئَةٍ نَصَبٍ، فجعل يطعنها بعود في يده ويقول جاء الحق وزهق الباطل جاء الحق وما يبدئ الباطل

وما يعيد. رواه البخاري.

عن حذيفة رضي الله عنه قال قال النبي صلى الله عليه وسلم اكتبوا لي مَنْ تَلَفَّظَ بِالْإِسْلَامِ مِنَ النَّاسِ

فكتبنا له أَلْفًا وَخَمْسَ مِئَةٍ رَجُلٍ فَقَلْنَا نَخَافُ وَنَحْنُ أَلْفٌ وَخَمْسَ مِائَةٍ فَلَقَدْ رَأَيْتَنَا ابْتَلَيْنَا حَتَّىٰ إِنْ الرَّجُلَ لِيَصْلِي

وحدّه وهو خائف. رواه البخاري.

Қуйида сизларга санок сонларнинг ёзилишидаги кенг тарқалган услубни ҳавола қиламиз:

في المذَكَّرِ	في المَوَّثِّ
(1) طَالِبٌ وَاحِدٌ	طَالِبَةٌ وَاحِدَةٌ
(2) طَالِبَانِ اثْنَانِ	طَالِبَتَانِ اثْنَتَانِ
(3) ثَلَاثَةُ طُلَّابٍ	ثَلَاثُ طَالِبَاتٍ
(4) أَرْبَعَةُ طُلَّابٍ	أَرْبَعُ طَالِبَاتٍ
(5) خَمْسَةُ طُلَّابٍ	خَمْسُ طَالِبَاتٍ
(6) سِتَّةُ طُلَّابٍ	سِتُّ طَالِبَاتٍ
(7) سَبْعَةُ طُلَّابٍ	سَبْعُ طَالِبَاتٍ
(8) ثَمَانِيَةُ طُلَّابٍ	ثَمَانِي طَالِبَاتٍ
(9) تِسْعَةُ طُلَّابٍ	تِسْعُ طَالِبَاتٍ
(10) عَشْرَةُ طُلَّابٍ	عَشْرُ طَالِبَاتٍ
(11) أَحَدُ عَشَرَ طَالِبًا	إِحْدَى عَشْرَةَ طَالِبَةً
(12) اثْنَا عَشَرَ طَالِبًا	إِثْنَتَا عَشْرَةَ طَالِبَةً
(13) ثَلَاثَةَ عَشَرَ طَالِبًا	ثَلَاثَ عَشْرَةَ طَالِبَةً
(14) أَرْبَعَةَ عَشَرَ طَالِبًا	أَرْبَعَ عَشْرَةَ طَالِبَةً
(15) خَمْسَةَ عَشَرَ طَالِبًا	خَمْسَ عَشْرَةَ طَالِبَةً
(16) سِتَّةَ عَشَرَ طَالِبًا	سِتَّ عَشْرَةَ طَالِبَةً
(17) سَبْعَةَ عَشَرَ طَالِبًا	سَبْعَ عَشْرَةَ طَالِبَةً
(18) ثَمَانِيَةَ عَشَرَ طَالِبًا	ثَمَانِي عَشْرَةَ طَالِبَةً
(19) تِسْعَةَ عَشَرَ طَالِبًا	تِسْعَ عَشْرَةَ طَالِبَةً
(20) عِشْرُونَ طَالِبًا	عِشْرُونَ طَالِبَةً
(21) وَاحِدٌ وَعِشْرُونَ طَالِبًا	إِحْدَى وَعِشْرُونَ طَالِبَةً
(22) اثْنَانِ وَعِشْرُونَ طَالِبًا	إِثْنَتَانِ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً
(23) ثَلَاثَةٌ وَعِشْرُونَ طَالِبًا	ثَلَاثٌ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً
(24) أَرْبَعَةٌ وَعِشْرُونَ طَالِبًا	أَرْبَعٌ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً

خَمْسٌ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً	(25) خَمْسَةٌ وَعِشْرُونَ طَالِبًا
سِتٌّ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً	(26) سِتَّةٌ وَعِشْرُونَ طَالِبًا
سَبْعٌ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً	(27) سَبْعَةٌ وَعِشْرُونَ طَالِبًا
ثَمَانٍ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً	(28) ثَمَانِيَةٌ وَعِشْرُونَ طَالِبًا
تِسْعٌ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً	(29) تِسْعَةٌ وَعِشْرُونَ طَالِبًا
ثَلَاثُونَ طَالِبَةً	(30) ثَلَاثُونَ طَالِبًا
أَرْبَعُونَ طَالِبَةً	(40) أَرْبَعُونَ طَالِبًا
خَمْسُونَ طَالِبَةً	(50) خَمْسُونَ طَالِبًا
سِتُّونَ طَالِبَةً	(60) سِتُّونَ طَالِبًا
سَبْعُونَ طَالِبَةً	(70) سَبْعُونَ طَالِبًا
ثَمَانُونَ طَالِبَةً	(80) ثَمَانُونَ طَالِبًا
تِسْعُونَ طَالِبَةً	(90) تِسْعُونَ طَالِبًا
مِائَةٌ طَالِبَةٍ	(100) مِائَةٌ طَالِبٍ
مِائَةٌ طَالِبَةٍ وَطَالِبَةٍ	(101) مِائَةٌ طَالِبٍ وَطَالِبٍ
مِائَةٌ طَالِبَةٍ وَطَالِبَتَيْنِ	(102) مِائَةٌ طَالِبٍ وَطَالِبَاتِنِ
مِائَةٌ وَثَلَاثُ طَالِبَاتٍ	(103) مِائَةٌ وَثَلَاثَةُ طَالِبٍ
مِائَةٌ وَأَرْبَعُ طَالِبَاتٍ	(104) مِائَةٌ وَأَرْبَعَةُ طَالِبٍ
مِائَةٌ وَخَمْسُ طَالِبَاتٍ	(105) مِائَةٌ وَخَمْسَةُ طَالِبٍ
مِائَةٌ وَسِتُّ طَالِبَاتٍ	(106) مِائَةٌ وَسِتَّةُ طَالِبٍ
مِائَةٌ وَسَبْعُ طَالِبَاتٍ	(107) مِائَةٌ وَسَبْعَةُ طَالِبٍ
مِائَةٌ وَثَمَانِي طَالِبَاتٍ	(108) مِائَةٌ وَثَمَانِيَةُ طَالِبٍ
مِائَةٌ وَتِسْعُ طَالِبَاتٍ	(109) مِائَةٌ وَتِسْعَةُ طَالِبٍ
مِائَةٌ وَعِشْرُ طَالِبَاتٍ	(110) مِائَةٌ وَعِشْرَةُ طَالِبٍ
مِائَةٌ وَإِحْدَى عَشْرَةَ طَالِبَةً	(111) مِائَةٌ وَأَحَدَ عَشَرَ طَالِبًا
(مِائَتَانِ) مِائَتَا طَالِبَةٍ	(200) (مِائَتَانِ) مِائَتَا طَالِبٍ

ثَلَاثُ مِئَةِ طَالِبَةٍ	(300) ثَلَاثُ مِئَةِ طَالِبٍ
أَرْبَعُ مِئَةِ طَالِبَةٍ	(400) أَرْبَعُ مِئَةِ طَالِبٍ
خَمْسُ مِئَةِ طَالِبَةٍ	(500) خَمْسُ مِئَةِ طَالِبٍ
سِتُّ مِئَةِ طَالِبَةٍ	(600) سِتُّ مِئَةِ طَالِبٍ
سَبْعُ مِئَةِ طَالِبَةٍ	(700) سَبْعُ مِئَةِ طَالِبٍ
ثَمَانِي مِئَةِ طَالِبَةٍ	(800) ثَمَانِي مِئَةِ طَالِبٍ
تِسْعُ مِئَةِ طَالِبَةٍ	(900) تِسْعُ مِئَةِ طَالِبٍ
أَلْفُ طَالِبَةٍ	(1000) أَلْفُ طَالِبٍ
(أَلْفَانِ) أَلْفَا طَالِبَةٍ	(2000) أَلْفَانِ أَلْفَا طَالِبٍ
ثَلَاثَةُ آلَافِ طَالِبَةٍ	(3000) ثَلَاثَةُ آلَافِ طَالِبٍ
أَرْبَعَةُ آلَافِ طَالِبَةٍ	(4000) أَرْبَعَةُ آلَافِ طَالِبٍ
خَمْسَةُ آلَافِ طَالِبَةٍ	(5000) خَمْسَةُ آلَافِ طَالِبٍ
سِتَّةُ آلَافِ طَالِبَةٍ	(6000) سِتَّةُ آلَافِ طَالِبٍ
سَبْعَةُ آلَافِ طَالِبَةٍ	(7000) سَبْعَةُ آلَافِ طَالِبٍ
ثَمَانِيَةُ آلَافِ طَالِبَةٍ	(8000) ثَمَانِيَةُ آلَافِ طَالِبٍ
تِسْعَةُ آلَافِ طَالِبَةٍ	(9000) تِسْعَةُ آلَافِ طَالِبٍ
عَشْرَةُ آلَافِ طَالِبَةٍ	(10000) عَشْرَةُ آلَافِ طَالِبٍ
عِشْرُونَ أَلْفَ طَالِبَةٍ	(20000) عِشْرُونَ أَلْفَ طَالِبٍ
ثَلَاثُونَ أَلْفَ طَالِبَةٍ	(30000) ثَلَاثُونَ أَلْفَ طَالِبٍ
أَرْبَعُونَ أَلْفَ طَالِبَةٍ	(40000) أَرْبَعُونَ أَلْفَ طَالِبٍ
خَمْسُونَ أَلْفَ طَالِبَةٍ	(50000) خَمْسُونَ أَلْفَ طَالِبٍ
مِائَةُ أَلْفِ طَالِبَةٍ	(100000) مِائَةُ أَلْفِ طَالِبٍ
مِائَتَا أَلْفِ طَالِبَةٍ	(200000) مِائَتَا أَلْفِ طَالِبٍ
ثَلَاثُمِائَةِ أَلْفِ طَالِبَةٍ	(300000) ثَلَاثُمِائَةِ أَلْفِ طَالِبٍ
أَرْبَعُمِائَةِ أَلْفِ طَالِبَةٍ	(400000) أَرْبَعُمِائَةِ أَلْفِ طَالِبٍ

ثلاث وأربعون وخمسمائة وستة آلاف رؤيئة	(6543) ثلاثة وأربعون وخمسمائة وستة آلاف جنية
--	---

ХУЛОСА:

Юқорида ўтган қоидаларни қисқа жадвал шаклида кўрсатамиз:

Бу жадвалда асосан маъдуд, яъни саналаётган нарсанинг қайси кўринишда бўлиши ва эъроби қандай ўқилиш ҳақида сўз юритилган.

САНОҚ СОНЛАР	МАЪДУДНИНГ ЭЪРОБИ	МАЪДУДНИНГ КЎРИНИШИ
3 дан 10 гача	Изофаликка кўра жар ўқилади	жамъ кўринишда бўлиб ададнинг жинсига тескари бўлади
11 дан 99 гача	Тамйизликка кўра насб ўқилади	Муфрад кўринишда бўлиб ададнинг биринчи қисми жинсига тескари бўлади
20, 30, 40, 50, 60, 70, 80, 90	Тамйизликка кўра насб ўқилади	Муфрад кўринишда бўлиб, жинси саналаётган

		нарса жинсига кўра бўлади
100 лик саноқ сонлар	Изофаликка кўра жар ўқилади	Муфрад кўринишда бўлиб, жинси саналаётган нарса жинсига кўра бўлади
1000 лик саноқ сонлар	Изофаликка кўра жар ўқилади	Муфрад кўринишда бўлиб, жинси саналаётган нарса жинсига кўра бўлади
Миллион ва миллиард сонлари	Изофаликка кўра жар ўқилади	Муфрад кўринишда бўлиб, жинси саналаётган нарса жинсига кўра бўлади